

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАДБИРКОРЛИККА ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Расулова Чарос

*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби,
Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали раҳбари*

Аннотация: Ушбу мақолада аҳоли бандлигини таъминлашда тадбиркорликка ўқитишнинг аҳамияти ва самарадорлиги таҳлил қилинади. Давлат томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш, касб-ҳунарга ўқитиш ва аҳоли, айниқса ёшлар ҳамда хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасидаги қарор ва фармонлар асосида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилади. Шунингдек, аҳолининг даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда тадбиркорлик таълимининг тутган ўрни ёритилади.

Калит сўзлар: аҳоли бандлиги, тадбиркорликка ўқитиш, касб-ҳунар, иқтисодий ривожланиш, ёшлар, хотин-қизлар, Ўзбекистон 2030 стратегияси, самарали бандлик

Annotation: This article analyzes the importance and effectiveness of entrepreneurship education in ensuring population employment. It discusses government policies and legal frameworks aimed at promoting entrepreneurship, vocational training, and engaging various social groups—especially youth and women—in entrepreneurial activities. The paper highlights how entrepreneurship education contributes to increasing income, reducing poverty, and fostering sustainable economic development in Uzbekistan within the context of national programs such as the "Uzbekistan 2030 Strategy."

Keywords: employment, entrepreneurship education, vocational training, economic development, youth, women, Uzbekistan 2030 Strategy, sustainable employment

Кириш

Бугунги кунда иқтисодиётни ривожлантиришда инсон капитали муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш орқали мамлакатда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ўсишига тurtки беради. Ҳукуматлар ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган тадбиркорлик таълими дастурлари жамиятда иқтисодий фаолликни оширишнинг муҳим воситасига айланмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлашда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишнинг ҳуқуқий асослари .Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон, «Хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларини самарали амалга ошириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 22 июндаги 388-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.08.2023 йил № 340-сон "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ва жорий йилнинг 7 март куни Президент Шавкат Мирзиёев 7 март куни маҳаллаларда аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда 2024 йил 5 миллион аҳолининг бандлигини таъминлаш, 2 миллион кишини тадбиркорликка жалб этиш мақсад қилинган.

Бундан ташқари “Аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштириш учун маскур жараёнга профессионал таълим муассасалари, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда унинг ҳудудий филиалларини кенг жалб қилиш” назарда тутилган.

Мамлакатмизда аҳолини турмуш фаровонлигини ошириш, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган кўплаб лойиҳалар, дастурлар ишлаб чиқилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида бўлган фуқаролар учун имтиёзлар яратилмоқда. Изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳатлар замирида, аввало, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, бандлигини таъминлаш орқали даромадларини оширишдек эзгу мақсадлар мужассам. Зеро, бу саъй-ҳаракатлар натижасида аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга эришилмоқда. Шунингдек, 2023-йил 11-сентябрда мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон 2030 стратегияси” тўғрисидаги Фармонда “Меҳнатга лаёқатли аҳолини, шу жумладан ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни барқарор ва самарали бандлигини таъминлаш орқали ишсизлик даражасини 7 фоизгача тушириш” асосий вазифа сифатидаг белгиланган ва аҳолини муносиб иш билан таъминлаш ҳамда самарали бандликни кенгайтириш йўналишида амалга оширилган ишлар алоҳида аҳамият берилмоқда. 2030 йилгача барча хотин-қизлар ва эркакларни, шу жумладан, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни барқарор ва самарали бандлик

хамда муносиб иш билан, шунингдек, тенг қийматли меҳнат учун тенг иш ҳақи тўланишини таъминлаш асосий масалалардан бири сифатида белгиланган.

Тадбиркорлик таълими – иқтисодий мустақиллик сари қадам. Тадбиркорлик фақат бизнес юритиш эмас, балки муаммоларни ҳал этиш, имкониятларни англаш ва ташаббускорликни ривожлантириш маданиятидир. Тадбиркорликка ўқитиш орқали фуқароларда бизнес юритиш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар шакллантирилади.

Тадбиркорлик таълими ва унинг мақсадлари. Тадбиркорлик таълими — бу шахсда бизнес юритишга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган жараёндр. Унинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Ишбилармон фикрлашни ривожлантириш; Бозор шароитида мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантириш; Молия, ҳуқуқ, маркетинг ва бошқарув соҳаларида билим бериш; Бизнес ғояларни амалга оширишга тайёрлаш.

Тадбиркорликни ривожлантиришда таълимнинг ўрни. Тадбиркорлик таълими орқали фуқаролар ўз бизнесларини ташкил этиш имкониятига эга бўладилар. Бу жараён иқтисодиётнинг бир қатор йўналишларига ижобий таъсир кўрсатади:

Ишсизликнинг камайиши. Тадбиркорликка ўқитилган шахслар ўз-ўзини банд қилибгина қолмай, бошқаларга ҳам иш ўрни яратиши мумкин.

Тадбиркорликка ўқитиш – бу фақат бизнес очишни ўргатиш эмас, балки инновацион фикрлаш, хатарни баҳолаш, бизнес режалаштириш, молиявий саводхонлик каби кўникмаларни шакллантиришни назарда тутати. Тадбиркорлик таълимининг мақсади шахсда: мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини, масъулият ҳиссини, янгиликка интилишни ривожлантиришдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик таълими олиб борилган жамиятларда: янги кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони ошади; ўзини ўзи банд қилганлар сони кўпайиб, давлат бюджетидан бўлган юк камаяди; ёшлар ва аёллар ўртасида ишсизлик даражаси пасаяди. Дунё амалиётида, хусусан Германия, Жанубий Корея ва Финляндия каби давлатларда тадбиркорлик таълими мактаб ва коллеж даражаларида ҳам олиб борилади ва бу ишсизлик даражасини пасайтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали томонидан 2024 йилда амалга оширилган ишлар ҳақидаги амалий мисоллар ва тажрибалар қисми сифатида оладиган бўлсак, Иқтисодий фаолликнинг ортиши Янги бизнес субъектлари яратилади. Бозорда рақобатни кучайтиради, маҳаллий иқтисодиёт тикланади. Оилавий даромадлар оширилишига эришилади, маҳаллий ишлаб чиқариш ривожланади. Шунингдек, Инновациялар жорий этилиши натижасида Таълим орқали ёшлар ва аёллар янги ғоялар, технологиялар ва сервис

турларини ҳаётга татбиқ этадилар. Аҳолини тадбиркорликка ўқитиш борасидаги амалий ишлар Аҳолини тадбиркорликка ўқитишни самарали ташкил этиш бўйича мамлакатимизда қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали томонидан 2024 йилда ҳудудий иш режаси ва вилоят даражасида тасдиқланган календар-режа асосида қуйидаги ишлар амалга оширилди. Қашқадарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят хотин-қизлар бошқармаси ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси билан ҳамкорликда шаҳар ва туманлар кесимида тадбиркорликка ўқитиш бўйича йиллик календар-режа тасдиқланди. Ўқув курслари касб-хунар мактаблари, техникумлар ва Касбий кўникмалар марказлари базасида, замонавий жиҳозланган ўқув хоналарда ташкил этилди.

Ушбу курсларда жами 823 нафар тингловчи — хотин-қизлар, ёшлар ва тадбиркорликка қизиқувчи фуқаролар қамраб олинди. Ўқув жараёни якунлангандан сўнг тест синовлари ўтказилди ва улардан 819 нафар тингловчи муваффақиятли ўтиб, сертификат олди. Улардан: 542 нафари — 30 ёшдан катта хотин-қизлар; 79 нафари — 30 ёшдан катта эркеклар; 202 нафар — 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Сертификатларни тантанали равишда топшириш маросимлари Бандлик бўлими мутахассислари, маҳалла ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари ва ёшлар етакчилари иштирокида ўтказилди. Жами 46 та ўқув гуруҳи ташкил этилди ва шу фаолиятдан 25 960 000 сўм тушум амалга оширилди.

Шунингдек, “E-IJRO” аукцион Қашқадарё бошқармаси билан ҳамкорликда аҳолига қўшимча ахборотлар етказилди. Кунлик ва ҳафталик ўқув жараёни ҳақидаги маълумотлар марказга доимий равишда юбориб борилди. 2025 йилда эса Қашқадарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, хотин-қизлар бошқармаси, камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси билан биргаликда 2025 йилда Ўқув жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ва кўрсатмалар инобатга олинди, бу янгиликлар тингловчиларга етказиб борилди. Туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда мавжуд таълим муассасаларида замонавий жиҳозланган ўқув хоналари ташкил қилинди.

Ушбу даврда жами 970 нафар тингловчи тадбиркорлик асосларига ўқитилди. Улардан: 814 нафари — 30 ёшдан катта хотин-қизлар, 41 нафари — 30 ёшдан катта эркеклар, 115 нафари — 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Барча тингловчилар тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, сертификат олиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўқув жараёни якунланганидан сўнг сертификатлар Бандлик бўлими мутахассислари, маҳалла ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари иштирокида тантанали равишда топширилди. Жами 49 та ўқув гуруҳи ташкил

этилди ва 27 360 000 сўм миқдориди тушум амалга оширилди. “Е-IJRO” аукцион Қашқадарё вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда қисқа курслар ўтказишда фаоллик таъминланди ва аҳолига янгиликлар мунтазам етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонининг 9-иловасига мувофиқ, вилоятдаги ўрта ва йирик корхоналар ходимлари учун пуллик малака ошириш курслари ташкил этилди. Жумладан: “Корпоратив бошқарув” — 6 нафар, “Суд бошқаруви” — 1 нафар, “Корхонанинг молиявий ҳолати таҳлили” — 4 нафар, “Давлат харидлари” — 7 нафар тингловчи иштирок этилди. Мазкур жараёнлар 4 марта ижтимоий тармоқларда ва 1 марта “Воҳа” маҳаллий газетасида ёритилди. Курсларнинг кунлик маълумоти ва ҳафталик ҳисоботлари филиал раҳбари томонидан тасдиқланиб, марказга ўз вақтида тақдим этилди.

Ўзбекистонда тадбиркорлик таълими бўйича ислохотлар. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлик таълимига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан: касб-хунар мактаблари, техникумлар ва олий таълим муассасаларида тадбиркорлик дарслари жорий қилинди; “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” асосида ўқув курслари ташкил этилмоқда; микрокредит ва грантлар орқали фуқароларнинг ўз бизнесини бошлашига шароит яратилмоқда.

Ўзбекистондаги ҳолат ва амалий тадқиқотлар. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” орқали аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан: 2022–2025 йилларга мўлжалланган “Тадбиркорликка ўқитиш Миллий дастури” қабул қилинди. Касб-хунар мактаблари ва техникумларда бизнес ва молиявий саводхонлик фанлари жорий этилди. Онлайн тадбиркорлик курслари ва “Бизнес старт” лойиҳалари йўлга қўйилди. Шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилоятларда тадбиркорлик марказлари ташкил этилиб, улар орқали минглаб фуқаролар бизнес юритиш кўникмаларига эга бўлди. Тадбиркорликни ўқитиш қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишни талаб қилади.

Иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиш - Тадбиркорлик билимларига эга бўлган шахслар ўз бизнесини бошлаб, янги иш ўринлари яратадилар ва солиқ тўловлари орқали мамлакат иқтисодиётига ҳисса қўшадилар.

Инновацион фикрлашни шакллантириш - ўқув жараёнида талабалар янги ғоялар устида ишлашга, муаммоларни ижодий ечишга ўрганадилар. Бу эса инновацияларнинг ривожланишига туртки беради.

Шахсий ривожланиш ва мотивация - тадбиркорлик билимлари инсонни ишончли, ташаббускор, мустақил ва масъулиятли бўлишга ундайди. Бу хусусиятлар ёшларнинг шахсий ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

- Жамиятда ижтимоий барқарорлик - тадбиркорлар орқали маҳаллий ҳамжамиятларда ижтимоий муаммоларга ечим топиш мумкин бўлади. Бу эса ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Ўқитиш усуллари ва ёндашувлар. Тадбиркорликни ўқитишда назарий билимлар билан бирга амалий машғулотлар, бизнес-симуляциялар, стартап лойиҳалар ва мутахассислар билан учрашувлар катта аҳамиятга эга. Бу усуллар ёшларда амалиётга яқин кўникмаларни шакллантиради.

Тадбиркорликни ўқитиш нафақат шахснинг ривожланиши, балки жамият ва мамлакат тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Таълим тизимида бу соҳани янада ривожлантириш, амалий ва инновацион ёндашувларни жорий қилиш орқали ёш авлодни келажақдаги муваффақиятли тадбиркорларга айлантириш мумкин.

Тадбиркорлик таълими шакллари ва амалиёти.Формал таълим: мактаб, коллеж ва университетлар доирасида тадбиркорлик фанини ўқитиш. Ноформал таълим: семинарлар, тренинглар, менторлик дастурлари. Онлайн таълим: рақамли платформалар орқали курслар. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам “Тадбиркорлик асослари” фани таълим тизимида жорий этилиб, кўплаб лойиҳалар, жумладан “Ёшлар – келажагимиз”, “Аёллар дафтари” орқали амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Самарадорликни ошириш йўллари.Аҳолини тадбиркорликка ўқитиш самарадорлигини янада ошириш учун қуйидаги чоралар мақсадга мувофиқ,Бозор талабига мос ўқув дастурларини ишлаб чиқиш; Маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳудудий курслар ташкил этиш;Молиявий ва ҳуқуқий масалаларда амалий кўмак кўрсатиш;Таълим ва амалиётни уйғунлаштириш, тажриба алмашишни қўллаб-қувватлаш.

Хулоса: Юқорида келтирилган таҳлил ва амалий мисоллар шуни кўрсатадики, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш — мамлакатда ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш, бандлик даражасини ошириш ва камбағалликни камайитишда муҳим омил ҳисобланади. Давлат сиёсати даражасида қабул қилинаётган қарорлар, фармон ва қонунлар ушбу йўналишдаги ислохотларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаб, ҳар бир фуқаронинг тадбиркорлик орқали ўз ҳаётини яхшилашига замин яратмоқда. Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали томонидан 2024 - 2025 йилларда амалга оширилган ишларнинг таҳлили шуни тасдиқлайдики, тадбиркорликка ўқитиш дастурлари кенг аҳолини қамраб олмоқда, айниқса хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўқув курсларининг мунтазам ташкил этилиши, тингловчиларнинг муваффақиятли ўқув

яқунлари ва сертификатланиши, уларнинг ишбилармонлик салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим қадам бўлмоқда. Шу билан бирга, малака ошириш курслари ва давлат хусусий ҳамкорликдаги лойиҳалар орқали фуқароларни янада юқори босқичдаги бизнес билимлари билан таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бундай тажриба мамлакатнинг бошқа ҳудудлари учун ҳам намуна бўлиши мумкин. Хулоса қилиб айтганда, аҳолини тадбиркорликка ўқитишни янада такомиллаштириш, ўқув дастурларини меҳнат бозори талабларига мувофиқлаштириш ва хусусий сектор билан ҳамкорликни кучайтириш — бандликни таъминлашда барқарор ва самарали натижаларга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, "Ўзбекистон–2030" стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ–4862-сон қарори – “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 августдаги 340-сон қарори – “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–170-сон Фармони – “Ўзбекистон–2030” стратегияси тўғрисида.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ–101-сон Фармони – “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”.
5. Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали. (2024–2025 йиллар) Иш режалари, таҳлилий маълумотлар ва чора-тадбирлар ҳисоботи.
6. D.Suyunov, A.Qodirjanov. Human development summary capturing achievements in the hdi and complementary metrics that estimate gender gaps, inequality, planetary pressures and poverty. human development ... Молодые ученые 2 (17), 95-100. 2024 йил.
7. S.D.Xolmurodovich, Q.A.Baxtiyor o'gli. Inson rivojlanishining qisqacha sharhi, inson taraqqiyoti indeksidagi yutuqlar va gender tafovutlari, tengsizlik va sayyoraviy bosim ko'rsatkichlari. HOLDERS OF REASON 2 (6), 274-280.

8. 2024 йил.
9. Д.Х.Суюнов, Д.Мирхидоятова. Корпоратив бошқарувда рейтинг даражалари ва мониторинг тизими. Uzbek Scholar Journal 27, 80-87. 2024 йил.
10. S.D.Kholmurodovich. Improving the methods of assessing the economic efficiency of digitalization of corporate management in joint-stock commercial banks. HOLDERS OF REASON 2 (3), 127-133. 2024 йил
11. S.D.Xolmurodovich. Korporatsiya: status va rivojlanish yo'llari. HOLDERS OF REASON 2 (3), 134-139. 2024 йил.
12. Д.Х.Суюнов, Ф.М.Махкамбаева. Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида илғор хорижий тажриба асосида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш. Uzbek Scholar Journal 26, 39-44. 2024 йил.
13. Д.Х.Суюнов. Янги конституция: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида. Science Promotion 3 (3), 48-55. 2023 йил.
14. K.Karimov, S.Dilmurod. Pharmacokinetic parallels of gentamicin in blood, lymph nodes and soft tissues of a gunshot wound to an extremity by different methods of administration. Central Asian Journal of Medical and Natural Science 4 (6), 405-411. 2023 йил.
15. S.D.Kholmurodovich, K.Vokhid. Problems in the development of remote banking services in commercial banks of Uzbekistan. World Economics and Finance Bulletin 26, 39-46. 2023 йил.
16. Д.Х.Суюнов, Н.К.Ёрматова. Внедрение проектного управления в банке. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 25 (2), 135-138. 2023 йил.
17. Д.Х.Суюнов. Управление заинтересованными сторонами в комплексных проектах. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 25 (2), 112-120. 2023 йил.
18. A.K.Olimovich, M.Botabayev, S.D Kh. Strategic project management system in the company. Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural. 2023 йил.
19. A.Davletyarov, D.Suyunov, A.Kenzhabaev. Foreign experience in the development of small business and private entrepreneurship in the field of service. Global Scientific Review 14, 5-11. 2023 йил.